**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**
**Тўрақўрғон туман бандликка кўмаклашиш маркази**

_________ раҳбари Қ. Ахмаджонов

17 май 2022 й.

**БУЮРТМАЧИ:**

# Тўрақўрғон туман бандликка кўмаклашиш маркази

Наманган вилоят, Тўрақўрғон туманидаги ишсиз ва кам таъминланган оилалар томорқа ер майдонларига енгил конструкцияли иссиқхоналар қуриш бўйича

# ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

**Наманган шаҳри -2022**

## Танлов хужжатларининг мазмуни:

I. **Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**

### ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги №684-сонли Ўзбекистон Республикаси "Давлат харидлари тўғрисида"ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда №3016-сон билан руйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Лойиҳа Бошқаруви Миллий Агентлигининг "Харид тартиб-тамойилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги" тартиби асосида ишлаб чиқилди.

### 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Давлатобод туман бандликка кўмаклашиш ва ахолини ижтимоий мухофаза қилиш маркази томонидан Наманган вилоят, Тўрақўрғон туманидаги ишсиз ва кам таъминланган оилалар томорқа ер майдонларига енгил конструкцияли иссиқхоналар қуриш учун малакали мутахассисларга эга бўлган ташкилотлар жалб қилинади.

1.2. Танловнинг охирги қиймати – **405 000 000 (Тўрт юз беш миллион) сўм**. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

**Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 1 (бир) ой.

1.5. Ишларни бошлаш муддати – буюртма берилган кундан бошлаб хисобланади.

### 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. **Тўрақўрғон туман бандликка кўмаклашиш маркази** (бундан кейин-"Буюртмачи" деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

"Буюртмачи" манзили: Почта манзили: ________, Наманган вилоят, Тўрақўрғон тумани, Янгиобод МФЙ, А. Навоий кўчаси, 40-уй.

Эл.адрес: 202103838_6508000009@uzex.uz

2.2. Танлов "Буюртмачи" томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3. Танлов электрон тартибда "Буюртмачи" томонидан тузилган ва берилган аризалар асосида Харид комиссияси орқали қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

### 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилади:

-танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

-шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

-танлов объектига ўхшаш объектлар билан ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

-ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

-танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган холда);

-Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

-қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

3.5. Танлов иштирокчилари – талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиҳа хужжатлари, хусусан, лойиҳани график қисми (чизмалари) билан танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) тақдим этилиши ҳақида мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**
**Тўрақўрғон туман бандликка кўмаклашиш маркази**

раҳбари Қ. Ахмаджонов

17 май 2022 й.

Наманган вилоят, Тўрақўрғон туманидаги ишсиз ва кам таъминланган оилалар томорка ер майдонларига енгил конструкцияли иссиқхоналар қуриш бўйича

## ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

| № | Асосий маълумотлар | Бажарувчи |
|---|---|---|
| 1 | Объект номи | Наманган вилоят, Тўрақўрғон туманидаги ишсиз ва кам таъминланган оилалар томорқа ер майдонларига енгил конструкцияли иссиқхоналар қуриш. |
| 2 | Буюртмачи | Тўрақўрғон туман бандликка кўмаклашиш маркази. |
| 3 | Буюртма учун асос | Ишлаб чиқариш зарурияти. |
| 4 | Объектнинг жойлашган манзили | Наманган вилоят, Тўрақўрғон тумани худудлари. |
| 5 | Катнашувчи учун талаблар | Наманган вилоят, Тўрақўрғон туманидаги ишсиз Ишсиз ва кам таъминланган оилалар томорқа ер майдонларига енгил конструкцияли иссиқхоналар қуриш ишларини амалга ошириш учун малакали мутахассисларга эга бўлиши. Буюртма берилганда тез муддатда бажариш. |
| 6 | Бажарилган ишлар хисоб-китоби | Бажурувчи томонидан тақдим қилинган, тарафлар томонидан тасдиқланган бажарилган ишлар далолатномаси ҳамда хисоб варақаларга асосан икки томон ўртасида ўзаро тасдиқлангандан сўнг корхона нархларидан ошмаган ҳолда ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Шартномага асосан тахминан 405 000 000,00 (Тўрт юз беш миллион) сўмлик иш бажаралиши режалаштирилган. |
| 7 | Иш тури | Буюртма асосида хизмат кўрсатувчи томонидан белгиланган вазифаларни бажариш. |
| 8 | Хизматларни бажариш муддатн | 2022 йил май ойидан 2022 йил 30 июнгача. |
| 9 | Техника хавфсизлиги бўйича талаблар | Хизматларни бажариш жараёнида ёнғин, саноат ва техника хавфсизлиги қоидаларига тўла риоя қилиниши шарт. |
| 10 | Молияштириш манбаи | Бюджетдан ташқари маблағи. |

АБКМ раҳбари: Қ. Ахмаджонов

АБКМ ўринбосари: Б. Фазлиддинов

АБКМ миграция мутахассиси: К. Ахунджанова

АБКМ ҳисобчиси: Ф. Исмаилов

АБКМ ишга жойлаштириш шўба мудири: Ш. Нурматов

АБКМ касбга ўқитиш мутахассиси: Ш. Рахматов